

Ёш мутахассисни иш билан таъминлашга қўмаклашиш тўғрисида

Ш А Р Т Н О М А

(Олий таълим муассасаси талабаси, олий таълим муассасаси ва
потенциал иш берувчи ўртасида тузилади)

№ _____ « ____ » _____ 20 ____ й.

Ал-Хоразмий номли Урганч Давлат университети (кейинги ўринларда «Олий таълим муассасаси»
деб номланади) номидан муассаса Низомига асосланиб иш юритувчи ректор Б. И. Абдуллаев бир
томондан, _____ номидан

(ташкилот номи)

корхона Низомига асосланиб иш кўрувчи _____

(ташкилот раҳбари, Ф.И.Ш.)

иккинчи томондан, (кейинги ўринларда «потенциал иш берувчи» деб номланади) ва олий таълим
муассасасини _____ мутахассислиги бўйича 20 ____ йилда
битирувчи _____ да яшовчи

(манзили)

_____ (кейинги ўринларда «Битирувчи» деб
(талабанинг Ф.И.Ш.)

номланади) учинчи томондан. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 июндаги 198-сонли
қарорининг 6-бандига асосан ёш мутахассисларни ишга жойлашишига қўмаклашиш мақсадида
ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ :

1.1 Олий таълимга эга бўлган ёш мутахассис (бакалавр, магистр)ларнинг интеллектуал
салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва уларни иш билан таъминлашда қўмаклашиш.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ :

2.1. Олий таълим муассасасаси:

2.1.1 Ноёб таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича эҳтиёж кўп бўлган тақдирда
«Потенциал иш берувчи»ларни тендер асосида танлаш.

2.1.2. Талаба ўқув амалиётини ўташи учун «Потенциал иш берувчи»нинг интеллектуал ва моддий-
техникавий базасининг имкониятларини ўрганиш ва шу асосда тегишли таклиф киритиш.

2.2. «Потенциал иш берувчи»:

2.2.1. «Олий таълим муассасаси» ўқув режа ва дастурлари билан танишиш ҳамда уларни ишлаб
чиқариш талабларига мувофиқлаштириш юзасидан ўз таклифларини бериш.

2.2.2. «Битирувчи»нинг Давлат имтиҳонларида аттестация комиссияси аъзоси сифатида қатнашиш.

2.3. «Битирувчи»:

2.3.1. Ўқиш фаолияти даврида белгиланган амалиётларни «Потенциал иш берувчи» корхонасида
ўтиши.

2.3.2. Таълим муассасасини битиргандан сўнг эга бўлган мутахассислиги доирасида иш билан
таъминлашни талаб қилиш.

III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ :

3.1. Олий таълим муассасасаси:

3.1.1 «Битирувчи»нинг Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар
тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар
талабларига жавоб берадиган малакали мутахассис этиб тайёрлаш.

3.1.2. «Потенциал иш берувчи»га «Битирувчи» тўғрисида тегишли тавсияномалар бериш ҳамда «Битирувчи»нинг корхонадаги меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш.
3.1.3. «Битирувчи» ишга жойлашгандан кейин 3 йил давомида унга зарур услубий ёрдам кўрсатиш.
3.1.4. Шунингдек, томонларнинг розилига асосан қуйидаги шартларни бажариш мажбуриятини ҳам олади:

а) Битирувчига 3 йил давомида раҳбарлик қилувчи ўқитувчини тайинлаш

3.2. «Потенциал иш берувчи»

3.2.1. «Битирувчи»ни тегишли тартибда Ўзбекистон Республикасининг машғулотлар миллий стандарти Таснифлагичи (Классификатори)га мувофиқ иш билан таъминлаш.

3.2.2. «Битирувчи»га меҳнат фаолияти давомида услубий ёрдамлар кўрсатиш.

3.2.3. Қуйидаги ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар кўрсатиш:

а) Намунали ишлаган битирувчига мукофотлар тўлаш;

б) Уч йил ишлаб бергандан кейин унга тавсиянома бериш.

3.3. «Битирувчи»:

3.3.1. Ўз мутахассислиги бўйича малака тавсифномасида назарда тутилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлар талаблари асосида мустақил фаолият олиб бориш учун мустақил билим ва малакага эга бўлиш.

3.3.2. «Потенциал иш берувчи» корхонасига таълим муассасасини тўлиқ битиргандан сўнг 3 ой муддатда етиб келиш.

3.3.3. «Потенциал иш берувчи»нинг корхонасида камида 3 йил ўз мутахассислиги бўйича ишлаб бериш.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ :

4.1. Томонларнинг бири ушбу шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда бошқа тарафга етказилган зарарни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тўлайди.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ :

5.1. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома қуйидаги ҳолларда қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин:

5.1.1. «Битирувчи»нинг малакаси, билими ушбу мутахассис учун амалда ўрнатилган Давлат стандартлари талабларига жавоб бермаса.

5.1.2. «Потенциал иш берувчи» томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда.

5.2. Ушбу шартнома томонларнинг барчаси имзоланганидан сўнг кучга киради ҳамда шартнома тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ :

«Олий таълим муассасаси»:

Урганч Давлат университети
Манзили: Ҳ. Олимжон, 14
Тел: 226 – 61 – 66, Факс: 226 – 17 – 39
х/р: 23402 000 3 00100001 010
ш/хр 4009 1086 0334 0179 5010 0079 001
ИНН 201651846 ОКОНХ: 92110
МФО 00014
Имзо _____
Сана _____

«Потенциал иш берувчи»:

(номи)
Манзили: _____
Тел: _____
Факс: _____
х/р _____
МФО _____
ИНН _____
Имзо _____
Сана _____

«Битирувчи»:

(Ф.И.Ш.)
Манзили: _____
Тел: _____
Паспорт серияси _____
(берилган вақти ва жойи)
Имзо _____
Сана _____